

## **5-мақсад. Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш.**

Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан камситишни бартараф этиш, уларнинг тенг ҳуқуқли эканлигини таъминлаш нафақат миллий ёки ҳудудий миқёсда аҳамият касб касб этади, балки, айни замонда мамлакат ҳукуматининг бу борадаги устувор вазифаларига киради. Бош қомусимизда аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақида алоҳида модда киритилган бўлиб, хотин-қизларга таълим олиш, касбий тайёрланиш, иш, меҳнат учун рағбатланиш ва хизмат юзасидан кўтарилишида тенг ҳуқуқий имкониятлар яратилади.

БМТ бош Ассамблеясининг 1967 йил 7 ноябрда қабул қилган Аёлларга нисбатан камситишларни бартараф этиш Бутунжаҳон декларациясининг 1-моддасида “Аёлларга нисбатан камситиш, уларнинг эркеклар билан тенг ҳуқуқлилигини рад этиш ёки чеклашга олиб келадиган ҳолатлар қайд этилса ўз моҳиятига кўра адолатсизлик бўлиб, инсон кадр-қимматига қарши жиноят содир этилган ҳисобланади”, деб таъкидланган.

Сўнгги йилларда бу борада мамлакатимизда қатор номатив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва такомиллаштирилди.

Айниқса, Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чоратадбирлар тўғрисидаги қарор, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳимояси борасида муҳим дастуриламал бўлди. Уларда гендер тенгликка хилоф бўлган барча чекловлар, хатти-ҳаракатлар тўлиқ тавсифланди. Жумладан, жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида эркеклар ва аёлларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини камайтиришга ёки тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш *жинси бўйича бевосита камситиш*, сиртдан холис бўлиб туюладиган, бироқ бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятлар, ҳолатлар, мезонлар ёки амалиётлар эса *жинси бўйича билвосита камситиш* сифатида қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига кўра, *қуйидагилар жинси бўйича камситиш ҳисобланмайди:*

– аёллар учун ҳомиладорлик, туғиш ва кўкрак сути билан боқиш даврида махсус шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдаги фарқларни белгилаш;

– Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган тартибга кўра ҳарбий хизматга фақат эркекларни чақириш;

– эркеклар ва аёллар репродуктив саломатлигини асраш билан боғлиқ меҳнат муҳофазасини ўзига хос хусусиятлари;

– эркеклар ва аёлларнинг пенсия ёшидаги тафовутлар;

– қонунчилик асосида жамиятнинг барча жабҳаларида эркаклар ва аёлларнинг тенглигини таъминлашга қаратилган вақтинчалик махсус чоратадбирларни белгилаш;

– қамокда сақлаш, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартларини ҳамда жиноий-ҳуқуқий таъсир кўрсатадиган бошқа чораларни тартибга солишдаги фарқларни белгилаш.

Шу билан бирга, мамлакатимизда жамият ва давлат ишларини бошқариш, сайлов жараёни, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида аёллар ва эркакларнинг тенг иштироки кафолатланади. Жумладан, *оилавий муносабатлар соҳасидаги* эркаклар ва аёллар ҳуқуқларининг тенглиги:

– эркаклар ва аёллар никоҳининг ихтиёрийлигига;

– мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўймасликка;

– эр-хотинларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари тенглигига;

– оила ичидаги низоларни ўзаро келишув бўйича ҳал қилишга;

– уйдаги меҳнат хусусида эркаклар ва аёллар ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг тенглигига;

– вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини, оналик, оталик ва болалик ҳимоясини таъминлашда тенг иштирок этишга асосланган.

*Меҳнат муносабатларида* эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ҳамда имкониятларини таъминлаш мақсадида иш берувчи қуйидагиларни таъминлайди:

– ишга ёллашда, бўш иш ўринларини эгаллашда эркаклар ва аёллар учун тенг имкониятларни;

– тенг қийматли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг иш ҳақини (мукофотни);

– малака ошириш, қайта тайёрлаш ва хизматда кўтарилиш учун тенг имкониятларни;

– корхоналар, муассасалар, ташкилотлар тугатилганда ёки қайта ташкил этилганда ходимларни ишдан бўшатишда эркаклар ва аёллар ҳуқуқларининг тенглигини;

– фарзандлари бор эркаклар ва аёллар учун қулай бўлган оилани қўллаб-қувватлаш бўйича амалиётни жорий этиш ва ривожлантириш, ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун қулай шарт-шароит яратишни;

– эркаклар ва аёлларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда саломатлигини сақлашни таъминлайдиган хавфсиз меҳнат шароитларини;

– эркаклар ва аёлларга тенглик асосида меҳнат фаолиятини амалга ошириш имконини берадиган иш шароитини яратишни;

– эркаклар ва аёллар учун меҳнат фаолиятини оилавий мажбуриятлар билан бирга бажариш имкониятини яратиш.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисилига аёл кишининг сайланиши ҳам гендер тенглиги юзасидан кенг камровли ишлар олиб борилаётганидан далолат беради.

2018 йилда Республика бўйича 47 минг нафарга яқин оғир турмуш шароитида яшаётган, шундан 14 600 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, улар билан манзилли ишлар олиб борилди. Уларнинг 14 минг нафарига тиббий ёрдам кўрсатилди, 13 500 нафарининг бандлиги таъминланди, 22 минг нафарига 21,0 млрд.сўм миқдоридаги моддий ёрдамлар берилди. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 1 464 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган ва ногиронлиги бўлган хотин-қизларга арзон уй-жойлар учун 54,6 млрд. сўм миқдорида бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди.

Президентнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномаларида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, айниқса оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 13 минг нафар хотин-қизларни иш билан, 1600 нафар хотин-қизларни уй билан таъминлаш вазифасини топширди. Юқорида қайд этилган жамғарма маблағларидан ҳар йили 1600 нафар аёлларга уй-жой суммасининг бошланғич бадалларини шакллантиришга амалий ёрдам берилади.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди учун ажратилаётган маблағлардан ногиронлиги бўлган хотин-қизларга моддий ёрдам бериш, уларни реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилади.

Бугун хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири, халқ турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида белгиланган.

Хусусан, 2018 йилда бандлик дастурлари асосида яратилган иш ўринларига хотин-қизлар қўмиталари ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан уйма-уй юриш орқали аниқланган 245 минг нафар ишсиз хотин-қизлар ишга жойлаштирилди. Маҳаллалар кесимида манзилли рўйхатлар шакллантирилиб, алоҳида дастур асосида 10 минг нафарга яқин оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар бандлиги таъминланди ва бунга 38 млрд. 261 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Хотин-қизлар қўмиталари ташаббуси билан бўш биноларни қайта таъмирлаш ва ишга тушириш ҳисобига 2 300 тадан ортиқ кичик цехлар ташкил этилиб, 16 минг нафарга яқин хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредитлар ажратиш охириги икки йилда 2 баробарга оширилди.

2014-2016 йилларда тижорат банклари томонидан хотин-қизларга тадбиркорлик фаолияти учун жами 3,8 трлн. сўм кредит ажратилган бўлса, 2017-2018 йилларда 6,1 трлн. сўм кредит ажратилган.

Хотин-қизлар қўмитасининг тавсияномалари асосида Фонд маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг ўзида 100 млрд.сўм маблағ йўналтирилди.

Бугун ҳудудларда 159 та Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари ташкил этилди. Хотин-қизлар қўмитасининг республика бўйича ягона қисқа рақамли (1146) “Ишонч

телефони” ташкил этилиб, ҳар куни 24 соат давомида хотин-қизларнинг мурожаатларини қабул қилиш тизими йўлга қўйилди.

(манба: <https://wcu.uz/uz/news/hotin-izlarni-llab-uvvatlash-borasidagi-muim-farmon-imzolanganiga-bir-jil-tldi>).

